



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 16 июль, № 139 (5306)

Шанба

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ



ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ

2011 йил 15 июль кун Ислам Каримов Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида "Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийтеги либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида"ги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш. Мирзиёев ҳисобот билан сўзга чиқди. Мазкур мажлис "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини рўйбга чиқариш доирасида ўтказилди. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан иш-лаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ қабул қилинган.

(Давоми 2-бетда).

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Бугун йигирма йиллик мустақил тараққиёт йўлимизга ҳисобан баҳолар эканми, иқтисодий-тимиз ишчи ривожланиб, унинг барқарор ўсиш суръатлари тобора юксалаётгани, аҳоли фаровонлиги йилдан-йилга ошиб бораётганини гувоҳи бўламиз. Қувонгарисми, эришилган мазкур ютуқ ва марраларимиз дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Чунончи, ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёдлашди. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох қилиш ва ривожлантириш, ўта оғир юқумли касалликларга барҳам бериш ҳамда уларни камайитириш борасида қатъий чоралар қўрилди. Оналар ўлими даражаси 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар камайди. Ушбу даврда, яъни қарийб 20 йил мобайнида аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшга ошди. Буларнинг барчаси, табиийки, биз танлаган ва "Ўзбек модели" деб ном олган мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлаб турганидан далолатдир.

Энг муҳими, ҳаётимизни мафқурадан тўла холи қилиш, қонуннинг ҳамма учун устувор бўлиши тамолий турмушимиз асосига айланиб, одамларнинг онгу шуури, тафаккури, ҳуқуқий, сиёсий фаоллиги, маданияти юксалди. Бугунги кунда одамларимиз, уларнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати тобора ўзгармоқда, ватандошларимизнинг сиёсий етуқлиги, юртимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси ошиб бормоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу ўзгаришлар, эвришиллар давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, жамиятни модернизация қилиш бўйича амалга оширилган ислохотлар билан уйғун тарзда юз берди. Зеро, сиёсий ислохотларни рўйбга чиқариш бевоасита фуқароларнинг онги, тафаккуридаги ўзгаришлар самараси ҳамдир. Маълумки, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Қонуни қабул қилиниб, бугунги кунда ҳаётга ишчи таътиб этилмоқда. Ушбу муҳим ҳужжат давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ҳамда парламент ислохотларини чуқурлаштиришда янги босқични бошлаб берди, десак, асло мулоҳаза бўлмайд.

Чунончи, Конституция-мизнинг янги таъриридаги 78-моддаси 15-бандига биноан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатларига киритилди. Бу конституциявий қоида парламентнинг ижро ҳокимиятига таъсирини янада ошириб, ҳукумат фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали бўлишини таъминлайди, албатта.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу сабабли ҳам буюк аждодларимиз шон-шухратига муносиб, истеъдодли, шижоатда тенгсиз авлод вояга етаяпти. Улар дунёнинг турли бурчақларида бўлиб ўтаётган нуфузли мусобақаларда шоҳсупанинг юқори поғоналаридан жой олиб, мамлакатимиз байрогини баланд кўтаришмоқда.

Фахр

Хабарингиз бор, яқинда Мексикада футбол бўйича ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида мамлакатимиз ёш футболчилари юксак матонат кўрсатиб, ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмаслигини яна бир қарра исботладилар. Айниқса, футболчиларимизнинг АҚШ, Чехия, Австралия каби жаҳон

футболда ўз ўрнига эга бўлган донгдор терма жамоаларни мағлуб этганлиги гуруримизни тоғдек юксалтирди. Буларнинг бари ўзбекининг қимлигини, миллатимиз фарзандларининг неларга қодирлигини исботловчи ёрқин ва ўчмас галаба эмасми?!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 июль кун қабул қилинган Фармойишига кўра,

футбол бўйича ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Мексикада ўтказилган 2011 йилги жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани, истиқлол даврида вояга етган баркамол фарзандларимизнинг энг

ёрқин фазилатларини яққол намоён этгани учун Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларини "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишонлари билан мукофотлаш ҳамда моддий рағбатлантириш кўзда тутилган.

Кеча Олимпия шон-шухрати музейида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларига давлатимизнинг ана шу юксак мукофотларини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Авалло, шуни ташкил қилган керакки, Истиқлолга эришган дастлабки йилларимизданоқ, ёшларнинг маънан ва жисмонан бар-

камол бўлиб шаклланиши масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда нафақат шаҳар марказлари, балки энг олис тоғли худудларда ҳам муҳташам спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари, футбол майдонлари, ёшлар марказлари барпо этилиб, келажагимиз эгалари ихтиёрига топширилмоқда. Биргина 2010 йилда мамлакатимиз худудларида 72 та спорт иншооти, 27 та сузиш ҳавзаси фаолияти йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 6 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, юртимизда ушбу энг улғу, энг азиз байрамни муносиб қўтиб олиш ва кўтаринки руҳда нишонлашга катта тайёргарлик қўрилмоқда.

«ҲАЙРАТИМИЗ СУРАТЛАРГА КЎЧДИ...»

Шаҳар ва қишлоқларимизда амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, жойларда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар мамлакатимизга ташир буюрган хорижлик сайёҳ ва меҳмонларда ҳам катта таассурот қолдирмоқда.



Бернард БИНОТ (Франция):

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Юртингизни бежиз жаннатмонанд дейишмас экан. Тошкент, Самарканд, Бухоро шаҳарлари гоятда гўзал ва мафтункор. Айниқса, Тошкентнинг тунги таровати мени ҳайратлантирди. Тинч ва осийшга шаҳар кўчаларини оқшом пайти сайр қилганимда, ҳаёлимни илқ ҳиссиётлар чулғаб олди.

Хива эртаклар шаҳрига ўхшайди. Бу ердаги бетакор ёдгорликлар ҳайратга солади кишини. Бири иккинчисига ўхшамайдиган тарихий обидалар ота-боболарингиз зақосидан, ўтмиш буюк халқингизнинг қудратидан сўзлайди. Юртингиз тарихи билан танишиб, самимий инсонлари билан суҳбатлашиб, истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, Ўзбекис-

тоннинг нафақат ўтмиши, балки келажаги ҳам буюк эканига амин бўлдим.

Пьеро ЛЕМБИ (Италия):

— Буюк Ипак йўлида жойлашган қадимий Хоразм замини, унинг гавҳари — Хива шаҳри менда бир умрлик ўчмас таассурот қолдирди. Айниқса, Ичанқалъадаги тош дарвоза, хайратомуз обидалар, сарбаланд минораю нилий гумбазлар, маҳобатли карвонсаройлар... Буларни шунчаки ҳавас ёхуд сониялик завқ билан кузатиб бўлмайди. Хива обидаларидаги ҳар бир гиштнинг ўз ҳикмати бордек туюлади. Уларни ҳижжалаб ўқингиз, сир-синоатларини англайинг келадди. Бу шаҳарни бир умр соғиниб ашасак керак.

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕК МАДАНИЯТИНИНГ ХИТОЙДАГИ НАМОЙИШИ

Жорий йилнинг 5 — 12 июль кунлари Хитой Халқ Республикасида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда юртимизнинг танқили санъат намояндалари — кўшиқчилар, созанда ва раққосалар иштирок этди.

Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида бўлиб ўтган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Т. Кўзиев, Хитой Халқ Республикаси маданият вазири Цай У ва бошқалар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар соҳалар қатори маданий жаҳада ҳам изчил ривожланаётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳам-

корлик доирасида мунтазам равишда маданият кунлари, турли кўргазмалар ўтказилмоқда. Тошкентда Хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций институти, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетиде Хитой тили маркази фао-

Биз ва жаҳон

лият юритмоқда. 2005 йилнинг сентябридан Пекиндаги Миллатлар марказий университетида ўзбек тили кафедраси фаолият кўрсатмоқда. «Ўзбекистон — Хитой» дўстлик жамияти ҳам гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётди. Маданият ва санъат жамоаларининг ўзаро гастроллари ташкил қилинмоқда, хитойлик санъаткорлар «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашиб келаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

НАВҚИРОН АВЛОД МАЪНАВИЯТИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ёшлар маънавиятини янада юксалтириш, уларни турли таҳдидлардан асраш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ҳамда Халқ таълими вазирликлари томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда

(Давоми 4-бетда).

Истиқлолимизнинг қутлуғ йигирма йиллик шодиёналари яқинлашгани сайин ҳар буюмизнинг қалбларимизда ўзгача ҳаяжон йиғилиши шубҳасиз. Зеро, бугун Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган ислохотлар юрт тинчлиги, Ватан ободлиги ҳамда халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда.

«Келажақ овози — 2011»

ИҚТИДОР, МАҲОРАТ, ИНТИЛИШ

«Келажақ овози — 2011» ёзиқ-оромгоҳи иштирокчилари ғояларида ўз аксини топмоқда

Шу ўринда кейинги йилларда мамлакатимизда ёшлар сиёсатига устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келинаётгани ва бу ўз самарасини бераётганини алоҳида қайд этиш лозим. Бундай ғамхўрлик туфайли юртимизда соғлом, билимдон, бахтли авлод камолга етаяпти. Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги "Лочин" дам олиш масканида ташкил этилган "Келажақ овози — 2011" ёзиқ-оромгоҳи ҳам иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутмоқда. Президентимизнинг жорий йил 6 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси

давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарор ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу ўқув-оромгоҳи тадбирлари билан танишсангиз, кўнглингиз янада ёришади. Унда "Келажақ овози" танлови ғолиблари, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамда "Меҳр нури" жамғармаларининг таълим грантлари ва стипендиялари соҳиблари, "Келажақ овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари ва 500 дан зиёд иқтидорли талаба-ёшлар иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, Олий Мажлис палаталари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини эшитиш ҳуқуқига эга бўлди. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг бўлиб ўтган қўшма мажлиси, унинг қатнашчилари таъкидлаганидек, кўрсатилган Қонун қоидаларини амалга оширишдаги дастлабки қадамдир. Бинобарин, мазкур Қонун марказий ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назоратини тақомиллаштиришнинг, давлат ҳокимияти тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизмларини янада ривожлантиришнинг, мамлакатимизда кенг кўламли демократик социал-иқтисодий ислохотлар ўтказилишида парламент ролини оширишнинг муҳим омилга айланди.

Мажлисида таъкидландики, Концепциянинг демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга доир қоидаларини бажариш юзасидан ҳукумат илчил иш олиб бормоқда. Хусусан, 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида "Кредит ахбороти

роти алмашинуви тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ва Концепцияда олинган қўйилган бошқарув тизимини демократлаштириш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, монополияга қарши қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш, банк-молия тизимининг инвестиция жараёнларида фаол иштирокини рағбатлантириш, эркин бозор иқтисодиёти йўлида янада илгари бориш вазифаларини ҳал этишга қаратилган бошқа қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, парламентга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан тасдиқланган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури, бошқа қонун ҳужжатлари қоидаларини амалга ошириш натижасида 2011 йилнинг фақатгина биринчи ярим йиллигида 22,8 мингдан ортиқ кичик бизнес корхонаси рўйхатга олинди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 331,2 мингта иш ўрни ташкил этилди. Кичик бизнес корхоналарининг sanoat маҳсулотини ишлаб чиқариши ҳажми 20,4 фоизга, экспорт ва ўз маҳсулотини биржа савдолари орқали реализация

қилиш ҳажмлари 1,5 баробар кўпайди. 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кредитлаш ҳажми 38 фоизга, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажми 1,5 баробарга ошди. Жорий йилнинг фақатгина иккинчи чорагида кичик бизнес субъектларининг давлат харидлари ҳажми 44,6 миллиард сўмни ёки улар электрон савдолар воситасида амалга оширадиган савдосотқ умумий ҳажмининг 89 фоизини ташкил этди.

Шу билан бирга, ошқоқра мулоқот ва амалий фикр алмашулар вақтида сенаторлар ва депутатлар ҳукуматнинг, давлат бошқаруви органларининг бозор ислохотларини чуқурлаштириш, кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш вазифаларини бажаришга қаратилган ишлари самардорлигини янада ошириш юзасидан бир қатор фикр-мулоҳазалар ва тақлифларни баён қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлари янада қисқартириш ва назорат қилишни ташкил этиш тизимини тақомиллаштириш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик, тад-

биркорлик фаолиятини ташкил этиш ва олиб боришнинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, кичик бизнес субъектларининг давлат харид тизимида даишторқ этишни ва юқори ликвидли маҳсулот олишини кенгайтириш борасидаги фармон ва қарорларини сўзсиз бажариш муҳимлиги таъкидланди.

Мамлакатда иқтисодиёт барқарор ўсишини таъминлашнинг муҳим омилли сифатида аҳолининг истеъмол эҳтиёжини ошириш, кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни аҳоли даромадларини, турмуш даражасини оширишнинг асосий манбага айлантириш, шунингдек, Инкирозга қарши чоралар дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш, жойларда социал-иқтисодий ривожланишнинг давлат дастурларини бажариш бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини чуқурлаштириш борасидаги тизимли ишларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг прогноз параметрларини сўзсиз бажариш, касб-хунар коллежларининг битирувчилари ўзлари эгаллаган мутахассисликлар бўйича ишга жойлашсини масалаларини ҳал этиш бораси-

да ҳукумат томонидан олиб борилаётган ишларни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти самардорлигини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, социал-иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим шартли сифатида марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш борасида парламент ролини ошириш зарурлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Ҳукумат ҳисоботини эшитишда тадбиркорлар, олимлар, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг иштирок этиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва ошқораликни таъминлашда, қабул қилинаётган қарорлар сифати учун уларнинг масъулиятини оширишда навабдаги муҳим қадам сифатида қайд этилди.

Ҳукумат ҳисоботининг муҳомадиси яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма қарори қабул қилинди. Қарорда демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасидаги вазифаларини, шунингдек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури қоидаларини сўзсиз бажаришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи белгиланди.

(ЎЗА).

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Улар умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган спорт инвентарлари ва бошқа зарур ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди.

Биласиз, дунёда спорт бўйича ўтказилмаган мусобақалар кўп. Аммо улар орасида жаҳон чемпио-натлари алоҳида нуфузга эга. Шу маънода, ушбу мусобақаларда муносиб иштирок этишнинг ўзи катта бахт, — дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сардори Аббосбек Махталиев. — Мусобақа давомидо доимо халқимиз, Президентимизнинг қўллаб-қувватлаб турганлигини дилдан ҳис қилдик. Келгусида ҳам бундай гамҳўрликка нисбатан ўз галабаларимиз билан жавоб қайтарамиз.

— Ҳар кун, ҳар тонг Мексикадан хушхабар кутиб яшадик, — дейди Йигитали Мирзаев. — Эри-

шилган ҳар бир галаба ҳақида қувончи муждаларни эшитиб, беихтиёр тилимизда "Яхши-ку!", "Баракалла!", "Ажойиб!", "Қойил!" деган хитоблар янгради. Уларнинг бу галабалари миллионлаб ўзбекистонликлар қалбида акс садо берди. Эришилган галабаларда ўғлим Равшанжон Ҳайдаровнинг ҳам ҳиссаси борлигидан чексиз фахрланаман. Бугун биз, ота-оналар орзу қилган кунлар етиб келди. Ҳозир дунёнинг исталган нуқтасидаги турнирларда ўзбекистонлик спортчилар иштирок этишапти. Мамлакатимиздаги бири-биридан қиройили стадионлар улар ҳизматида. Бу имкониятлар самарасини бугун шундай бемисл галабалар мисолида кўриб турибмиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов иштирок этди.

Фазлиддин АБИЛОВ, Шомурот ШАРАПОВ (сурат) «Халқ сўзи» мухбирлари.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, айниқса, ижро этувчи ҳокимият фаолиятлари устидан парламент назоратининг тақомиллаштирилишига оид гоя ва йўналишларнинг аҳамияти шундаки, биринчидан, мамлакатимизда чинакам кўп партиявийлик шакллана боради ва сиёсий партиялар нафақат жамият, балки давлат ишларини бошқаришда ҳам ҳал қилувчи ўринга эга бўлади. Айна пайтда жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтларининг, хусусан, сиёсий партияларнинг ўрни ва роли мустаҳкамланиши ушбу тузилмаларнинг жамиятдаги янгила-ниш жараёнлари, жумладан, ўз электротратлари ҳаётини янада яхшилаш бўйича масъулият ва жавобгарлик ҳиссини оширади. Қолаверса, ижро ҳокимияти тизимига кирувчи органлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг ўзларига топширилган соҳада қонунларнинг тўла ва оғишмай ижро этилиши учун масъулиятини кучайтиради.

Шу босидан Олий Мажлис палаталари томонидан Бош вазир ҳисоботларининг объектив, ҳолисона, конструктив муҳомада этилишини таъминлашнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бунда, айниқса, ҳукумат томонидан тақдим этилаётган ҳисоботларнинг тингловда сиёсий партиялар ўз сайловолди платформаси ва партия дастурида белгиланган устувор вазифалар, шу жумладан, электротратнинг манфаатларини кўзда тутувчи омиллардан келиб чиққан ҳолда ёндашиши айна мудидадир. Зеро, Конституцияга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг давлат аҳамиятига эга энг муҳим масалалар ечимини топшишдаги роли ва таъсирини кучайтириб, ўз электротратли манфаатларини янада фаолроқ ҳимоя қилиш-

ни кун тартибига қўймоқда. Негаки, бугун сиёсий партияларнинг жамиятда обрў-эътибори ошиб, мавқеи тобора мустаҳкамланаётган. Улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боровчи муҳим бўғинга айланмоқда. Сиёсий партиялар томонидан жойларда ҳамда марказда давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг мақбул тизимини яратибгина қолмасдан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазасини кучайтиради.

Шу ўринда Олий Мажлис Сенати ҳудудий вакиллик органи эканлигини қайд этиш лозим. Сенаторлар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари бўйича ҳукумат раҳбари ҳисоботини эшитаётганда, ўз ҳудудлари талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, муҳомадага киришиши мақсадга мувофиқдир. Бунда, айниқса, жойларда амалга оширилаётган ишлар, ечимини кутаётган масалалар юзасидан ахборот сўраши, зарур ҳолларда, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича ўз тақлиф ва тавсияларини билдириши зарур.

Хулоса ўрнида айтганда, Концепция асосида Конституциямизга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани парламентга, қўшма мажлисга, Олий Мажлис аъзоларига ўлкан масъулият юклайди. Зеро, ушбу тузатишлар парламент ваколатларини кенгайтириб, жамиятда қонун устуворлигини ҳамда қонунларнинг сўзсиз ижросини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳ. АЛИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сиань шаҳридаги Шэньси тарих музейининг олдида Буюк Ипак йўлини ифодаловчи улкан бронза монумент ўрнатилган. Унда қадимий ва гўзал Самарқанд, Улугбек мадрасаси ҳам акс эттирилган. Шу кунларда Сиань шаҳрида Бутунжаҳон бoғдорчилик санъати

ЎЗБЕК МАДАНИЯТИНИНГ ХИТОЙДАГИ НАМОЙИШИ

кўргазмаси давом этмоқда. Ушбу йирик халқаро кўргазмада Ўзбекистонга кенг ўрин берилган.

— Юртимизнинг бой маданияти, миллий санъати, бетакрор ва жозибали оханлари бугун барча мамлакатлар халқларини мафтун этмоқда, — дейди Ўзбекистон халқ артеисти Муножот Йўлчиева. — Олти кун давом этган маданият кунларида Хитойда бизни жуда савимий кутиб олишди. Му-сиқа ихлосмандларига, айниқса, «Тановар», «Муножот», «Дилхирож» каби миллий куй-қўшиқларимиз жуда манзур бўлди. Бундай маданият тадбирлари хитой ва Ўзбек халқлари ўртасидаги анъанавий, узоқ тарихга эга маданий алоқаларини, халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мадина УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

Бандлик

Сирдарё вилояти Меҳнат ва аҳоли иқтисодий муҳофазаси қилиш бош боксмаси ташаббуси билан Янгйер шаҳрида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Меҳнат ярмаркаси

Унда шаҳардаги 37 та ташкилот ва корхона 137 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

Яқунда 70 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти касб-хунар коллежлари битирувчиларидир.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИҚТИДОР, МАҲОРАТ, ИНТИЛИШ

«Келажақ овози — 2011» ёзги ўқув-оромгоҳи иштирокчилари гояларида ўз аксини топмоқда



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу тадбирлар доирасида кичик бизнес ва тадбиркорлик, музокара олиб бориш амалиёти, ўзаро мулоқот ҳамда оммавий чиқишлар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, жамоани шакллантириш ва бир мақсад сари жиғиллаштириш, муаммоларни ҳал этишнинг энг мақбул усулларини ривожлантириш, замонавий ва интернет журналистикаси асослари, менежмент ҳамда бошқарув каби мавзуларда ўқув машғулотлари ташкил этилаётган. Шунингдек, тренинг ва ахборот-семинарлар, интерфаол ва кўнгличорар уйин-

лар, спорт мусобақалари ҳам ўтказилмоқда. Айни чоғда ёшлар «Заковат», «Энг яхши мақолалар», «Келажақ овози» жаноби ва хоними» номли танловларда ўзаро куч синашмоқдалар.

— Дам олишни кўнглили ташкил этиш мақсадида ўқув-амалий машғулотлар, маданий ва спорт тадбирларидан иборат дастур ишлаб чиқирилиб, бу ишларга тахрирбали эксперт-тренерлар жалб этилган, — дейди «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази координатори Жасур Турсунов. — Мазкур ўқув-дам олиш тадбири ёшларнинг билимини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш, иқти-

дорли йилгит-қизлар сафини кенгайтиришга хизмат қилади. — Оромгоҳ машғулотлари тизим ўтказилмоқда, — дейди фарғоналик Муҳаббат Шералиева. — Тушга қадар ўқув-семинарлар билан машғул бўлиб, кейин амалий машғулотлар ҳамда спорт мусобақаларида қатнашяямиз. Кенга яқин маданий дам олиш дастурлари бошланган. Қўсқача айтганда, бу ерда ҳар бир кунимиз самарали ва марқолий ўтаётган.

Умуман олганда, оромгоҳда ёшлар учун барча қўлайликлар яратилган. Ишлаб чиқилган дастурлар доирасида интеллектуал уйин, танлов ва тақдиротлар, театрлаштирилган саҳ-

налар, таникли кишилар билан учрашулар мунтазам ўтказилаётгани ҳам шундан далolat беради. Жумладан, шу кунгача «Янги тўлиқ» кўшиқлар танлови ҳамда «Дунё рақслари» фестивали ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, «Келажақ овози — 2011» ёзги ўқув-оромгоҳи йилгит-қизларнинг иқтидор ва маҳоратини янада ошириш, уларнинг ҳар томонлама камолга етишларини таъминлашда, шак-шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. Фидель АСҚАРҲУЖАЕВ олган сурат.

Ватан ободлиги, эл-улус фаровонлиги, келажақ авлоднинг янада бахтли ҳаёт кечирishi учун мустаҳкам замин яратиш Юртобшнинг раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотларда ёрқин акс этмоқда. Мамлакатимизнинг нафақат азим шахарлари, балки энг чекка қишлоқларида ҳам ҳаётбахш ўзгаришлар, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган бунёдкорлик ишлари миқёсини кўриб, чин дилдан севиначисиз, фахр туясиз. Ана шундай манзаралар Наманган вилояти қишлоқлари учун ҳам хосдир.

ОБОД МАНЗИЛЛАР ФАРОФАТИ

— Биз истиқомат қилаётган Янги Аҳсикент даҳаси яқинда ташкил этилиб, обод масканга айланган, — дейди тўрақўрғонлик Матлубахон Жақпарова. — Табиий газ, ичимлик суви тармоқлари тартиб бўлинган, йўл чиқарилиди. Машиини хизмат кўрсатиш шохобчаси, дўкон, болалар спорт майдончаси қурилди. Намунавий лойиҳа асосидаги замонавий биноларнинг аксариятига ёш оилалар кўчиб киришган.

Инсон орзу-умид билан яшайди. Унга кўрсатилаётган эътибор ва гамҳўрлик эса пок ниётлар ижобатини таъминлайди. Шу маънода, ичимлик суви, табиий газ, алоҳида иситиш тизими билан таъминланган тўрт хонали замонавий тураржойда икки фарзанди билан ашаётган Матлубахон хонадони бамисоли шодлик, файзу барака ошган. Унинг турмуш ўртоғи Қаҳра-

мон касб-хунар коллежида муаллим. Уғли Асадбек биринчи синфини тамомлади. Унга алоҳида хонани жиҳозлаб, компьютер ҳам олиб беришди. Умуман, Янги Аҳсикентда битказилган 50 та тураржойга кўчиб кирган оилалар уй-жойларидан ниҳоятда мамнун, кайфиятлари кўтаринки.

Хайрли ишнинг умри узун дейишади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқларда намунавий лойиҳадаги тураржойларни барпо этиш ишлари бошлангандан буюн қанчадан-қанча оилаларга шодлик улашилмади, дейсиз. Наманганда ўтган икки йилда мазкур йўналишда 20 та йирик лойиҳа асосида 587 та замонавий уй бунёд

этилди. Айни пайтда яна 32 та даҳада 553 та ана шундай иморатлар қурилиши жадал суръатда олиб боришмоқда.

— Янги уйларнинг турмуш эҳтиёжларига тўла жавоб бериши инобатга олиниб барпо этилаётганлиги, айниқса, диққатга сазовор, — дейди Ибодулла Муртазоев. — Косонсойнинг биз яшаётган Булоқ даҳасида 97 та коттеж қурилиши баробарида, мини-маркет, ошхона, дорихона, машиини хизмат уйи, қандолатчилик цехи, болалар майдончаси ҳам фойдаланишга топширилди. Айни пайтда 315 ўқувчи ўрнига эга икки қаватли мактаб қурилиши яқунлан-

япти. Фарзандларимизнинг янги ўқув йили машғулотларини уйимиз ёнгинасидаги мактабда бошлашлари барчамизни қувонтирмоқда.

Айтиш жоизки, янги тураржон қишлоқларида нон цехи ишга туширилди.

— Бундай тураржойларга ҳамюртларимизнинг иштиёқи баланд, — дейди «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси

фон қишлоқларида нон цехи ишга туширилди.

— Бундай тураржойларга ҳамюртларимизнинг иштиёқи баланд, — дейди «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси фон қишлоқларида нон цехи ишга туширилди. — Бундай тураржойларга ҳамюртларимизнинг иштиёқи баланд, — дейди «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси фон қишлоқларида нон цехи ишга туширилди.

тиш, иситиш тизимини пол остидан ўтказиш сингари янгиликлар ҳам талабдорларга манзур бўлмоқда.

— Қишлоқлардаги бунёдкорлик юмушларидан, қувончи ўзгаришлардан завқинг, гайратинг ортади, хайрли ишлар қилаётганлар сафидан жой олгинг келади, — дейди Учқўрғоннинг Қайқи қишлоғида яшовчи Абдулбоқи Ирисов. — Бобом ҳам, отам ҳам деҳқон ўтган. Мен эса ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Истиқбол берган имкониятлардан фойдаланиб, хусусий корхона очдим. Тикувчилик корхонамизда ўндан ортиқ турда эркаклар қўйилгани тика-яймиз. Ҳамқишлоқларимиздан 15 нафари бу ерда доимий иш билан таъминланди.

Наманганни гуллар шаҳри, дея таърифлашади. Бугун вилоят қишлоқлари ҳам гул гулзор, аҳиб бир чаманзорга айланмоқда, десак, муболага бўлмайди. Кундан-кунга яшнаб, сўлим гўшалар макомига етаётган янги манзилларда инсон манфаатлари, бахт-саодати учун амалга оширилаётган хайрли ишлар Истиқболнинг ширин неъматли сифатида кўнгишларда бахтиёрлик ва шукроналик ҳиссини уйғотмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Глобал масалалар орасида ўрмонларнинг йўқ бўлиб кетиши ўта жиддий муаммо саналади. Чунки яшил худудларнинг қисқариши нафақат наботот оламига, балки инсоният учун ҳам жиддий хавф тугдиради. Статистик маълумотларга қараганда, ҳозир Ер юзининг 3,6 миллиард гектарини, яъни қуруқликнинг атиги 24-27 фоизини ўрмонлар ташкил этади. Бундан ўн минг йиллар муқаддам эса сайёрамизнинг 60 фоизи ана шундай худудлардан иборат бўлган. Бир гектар ўрмон 5-10 тонна микродоридаги карбонат ангидрид газини тозалаб, ундан 10-20 тонна атмосферага ксилород ажратиб имкониятига эга.

қараганда, юртимиз худудининг қарийб йигирма фоизини ташкил этадиган яшил олам нафақат экологик, балки иқтисодий тараққиётимизнинг ҳам муҳим манбаидир. Ўзига ҳослиги билан ажралиб турадиган минтақамиз табиатида

донадан зиёд манзарали ҳамда мевали дарахт кўчати етиштири- лаётгани ҳам бундай худудларда ҳаёт бардавотлигини сақлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қолаверса, 2011 — 2015 йиллар- га мўлжалланган дастурга асосан, ўрмонзорлар барпо этиш ва кен- гайтиришда ҳар бир минтақанинг ўзига хос табиий шароити алоҳи- да эътиборга олинган ҳолда иш юритилмоқда. Яна бир муҳим жи- ҳати, Орол денгизининг суви че- киниши туфайли ҳосил бўлган туз- ли майдонлар аниқланиб, уларга мос ўсимлик ва дов-дарахтлар экишга киришилди. Бундай тад- бирларни амалга оширишда мам- лакатимиздаги табиати муҳофа- за қилиш идоралари, халқаро ҳамда жамоат ташкилотлари, ил- мий тадқиқот муассасалари му- тахассислари ҳам фаол иштирок этаётди. Мазкур савий-ҳаракатлар самараси ўлароқ, қисқа вақт ичи- да Оролнинг суви қуриган худу- дада 280 минг гектарли ўрмон- зор барпо этилди. Ҳозир бу ерда бўйи 5-6 метр келадиган саксо- вуллар гармселини қайтариб, за- рарли тузлар ҳавога кўтарилиши- нинг олдини олаётди. Бошқача айтганда, тузли қумликларда эко- тизим тикланиб, ўт-ўланлар кўпаймоқда, ҳаёт кечиришининг та- биий шароити юзага келаётди. Мутахассисларнинг таъкидлаши- ча, саҳрода бундай барқарор эко- логик вазиятни юзага келтириш- да саксовул, черкез, қандим син- гари чўл ўсимликларининг ўрни беқийс. Ҳатто 70-80 даража жа- зирамада ҳам яхши ўсадиган ўрмон ҳўжалиги ходимлари за- миннинг "яшил қалқони" дейиш мумкин.

ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Шундай экан, ўрмонзорларнинг ҳар қарич майдони атроф-муҳит, энг муҳими, одамлар соғлиғи учун катта аҳамиятга эга эканини та- саввур қилиш қийин эмас. Аммо Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳият ривожлангани сари соғлом ҳаёт кечиришининг муҳим омил- и бўлган ўрмонларга инсонларнинг таъсири тобора кўчайиб бораёт- ганини билдиришмоқда. Бунга Ер юзида ҳар йили 13 миллион гек- тарга яқин ўрмонзор қайта қири- кетаётгани ёрқин мисол бўлади. Яъни антропоген ва табиий омил- лар туфайли катта-катта майдонларда ўрмонлар ёниб кетаётди.

уларнинг қамаиши сезиларли да- ражада ўсиб бораётди. Вазият шу тахлит давом этаверса, Индонези- яда 57 йил, Таиланда 21, Фи- липпинда 14 йил, Малайзияда 12 йилдан кейин тропик яшил худуд- лар хувиллаб қолиши мумкин.

Экспертларнинг билдиришича, ўрмонлар билан боғлиқ бу муам- молар бугун пайдо бўлган эмас. Хусусан, ўтган аср- да ҳам бундай худудларга таж- овузкорона муноса- батда бўлингани ҳақида маълумот- лар бор. Шу боис Бирлашган Мил- латлар Ташкилоти томонидан Токио шаҳрида 1990 йил вазиятнинг олдини олиш мақсадида йирик конферен- ция ўтказилган. Унда иштирок эт- ган соҳа мутахас- сислари ўрмонзор- ларга муносабат ижобий томонга ўзгартирилмаси,

Унда Парагвай ва Индонезияга бундай худудларни асраш бора- сида тегишли чоралар кўриш юза- сида тавсиялар берилди. Анжу- мада мазкур давлатлар 2020 йил- га бориб, яшил худудларга зарар етказилишини бутунлай тўхтатиш- га ваъда берди.

Аммо бундай жонқуярликларга қарамадан, тропик ўрмонларга ниобатан салбий муносабат ижо-

Шарҳ

бий томонга ўзгараётгани сезил- маяпти. Айни пайтга келиб, турли сабаб ва мақсадлар туфайли да- қиқасига 20 гектар ўрмон йўқ бўлиб кетмоқда.

Ўрмонзорларнинг қисқаришига олиб келаётган яна бир омил ёнғинлардир. Таассуфки, яшил худудларда содир бўлаётган ёнғинларнинг 97 фоизи инсон омилли билан юзага келади.

Маълумки, қозғоқ ишлаб чиқ- ариш саноати, қурилиш соҳаси учун ҳам дарахтлар беқийс аҳамият касб этади. Шундай экан, бу ти- зим мақсадлари учун ҳам бирин- чи гада ўрмонлардан фойдалани- нишга тўғри келади. Аксарият мамлакатларда қозғоқ саноатини ривожлантириш мақсадида ўрмон- ларни кесиб авж олиб кетган бўлиса, қурилиш эҳтиёжларини қон- дитиришга қаратилган эътибор са- баб ҳам ана шундай худудлар қис- қармоқда.

Шу ўринда мамлакатимиздаги вазият барчани қизиқтириши табиий, албатта. Маълумотларга

ҳар бир дов-дарахт ва гиёҳнинг ўз ўрни бор: тоғда арчазорлар, саҳрода саксовулзорлар, дарё бўйларидида тўқайлар тупроқ тарки- бини яхшилаш, намлиқни сақлаш орқали суви асраш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш керак, заминимиз ўрмонларининг ўсимлик ва ҳайво- нот олами ҳам ранг-барангдир. Яъни бундай худудларда 430 тур- даги қуш, юздан зиёд турдаги ҳай- вонларни учратиш мумкин. Кўплаб кўллар, шаршалар, шифобахш булоқлар, дарёлар ям-яшил мавж- либ турган ўрмонзорлар бағри- да турли сийхатгоҳу оромгоҳлар, экотуристик масканлар ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазир- лигининг Ўрмон ҳўжалиги бош бошқармаси ушбу бебаҳо яшил бойлигимизни муҳофазалаш, кўпайтириш ҳамда улардан оқило- на фойдаланишни ташкил этиш борасида самарали фаолият олиб бораётди. Хусусан, мамлакат ўрмон ҳўжалиги ходимлари бун- дай худудлар майдонини ҳар йили 40 минг гектарга кенгайтириши- моқда. 150 тоннага яқин турли да- рахт ва бута уруғи, 40 миллион

Мухтасар айтадиган бўлсак, ўрмонлар биринчи гада атмосферадаги мувозанатни сақлашда катта аҳамият касб этади. Атмосферанинг мусоффолиги эса Ер юзида аҳолининг соғлом турмуш кечириши учун асосий омил саналади. Шундай экан, табиат- нинг бу бебаҳо неъматига бўлган муносабатимизни ижобий томонга ўзгартириш ҳаётий заруратдир.

А. ФАЗЛИДИНОВ.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Бюджет харажатлари қисқартирилади

Италия ҳукуматининг бюджет харажатларини қисқартириш тўғрисидаги режасини мамлакат Сенати маъқуллади, деб хабар берди, "Би-Би-Си" ахборот агентлиги.

Ушбу режага кўра, мамлакат газнаси сарфини яқин уч йил ичида 48 млрд. еврога қамайтириш мақсад қилинган. Агар мазкур ҳужжат парламент қуйи палата- си ва президент томонидан тасдиқланса, кучга киради.

Давлатнинг ташқи қарзлари триллион доллардан ошиб кетгани ана шундай қарор қабул қилинишига олиб келган.

Инқироз ва иш ўринлари

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан дунёнинг бир қатор молиявий муассасалари жаҳон қутула олмапти.

Швейцариянинг энг йирик банки — "UBS" шу- лардан биридир. Банк раҳбарияти ташкилот қаддини тиклаб олиши учун жорий йилнинг 26 июлига қадар яна 5000 та иш ўрни қисқартирили- шини маълум қилган. Шу орқали 870 млн. евро миқдоридидаги маблагни тежаш мўлжалланмоқда, деб ёздади "Евроњьюс" ах- борот манбаси.

Вулқон фаоллашди

Индонезиянинг Сулевеси оролида жойлаш- ган Локон вулқони фаоллашмоқда. Бу ҳақда табиий офатларга қарши курашувчи маҳаллий хизмат вакиллари хабар тарқатди.

Уларнинг айтишича, тоғ оғзидан чиқаётган захарли қул аралаш тугун ҳавога тарқалмоқда. Шу боис ушбу худудда яшовчи 30 минг кишини хавфсиз жойга кўчи- риш ишлари бошлаб юборилди.

Мутахассислар томонидан мазкур мамлакатда 129 та фаол вулқон ўчоғи борлиги аниқланган.

Савдо ва заргарлик марказидаги ноҳушлик

Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳридаги савдо ва заргарлик марказида кўпоровчилик ҳаракати содир этилди, деб хабар беради "Таймс оф Индия" нашри.

Натижада 11 киши ҳаётдан кўз юмди, 73 нафари тан жароҳати олди. Бундан ташқари, биноларга жиддий зиён етиб, умумий миқдори тахминан 5,6 млн. АҚШ долларлиқ қимматбаҳо тошлар кўчага сочилиб кетган.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Жанубий Америка минтақасида жойлашган Бразилия ва Парагвай мамлакатларида ҳам ўрмонлар йилдан-йилга қамайиб бораётди. Кузатишларга кўра, тропик ўрмон- ларни кесиб борасида Япония би- ринчи ўринда туради. АҚШ ва Ев- ропа мамлакатлари ҳам бу бора- да қолишмайди. Шунингдек, Ин- донезия, Таиланд, Филиппин ва Малайзия каби давлатларда ҳам

яна саксон йилдан сўнг Ер юзи- даги ўрмонлар бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкинлигини уқтириш- ганди. Аммо ўшанда бу давлат- ларга унчалик эътибор қаратилма- ди, шекилли, 2009 йили Барсело- на шаҳрида Парагвай, Индонезия ва Колумбия мамлакатлари вакил- лари иштирокида Бутунжаҳон та- биати муҳофаза қилиш ташкило- тининг конгресси ташкил этилди.

Қарши шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида "Қўли гулдир ўзбек аёлини" республика курик- танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Тадбиркор аёл" уюшмаси, "Маҳалла" жам- фармаси ва Марказий банкнинг вилоят бошқар- маси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаёт- ган юздан зиёд тадбиркор

«Қўли гулдир ўзбек аёлини»

ва хунарманд аёллар ўзла- ри тайёрлаган маҳсулотлар билан иштирок этидилар. Катнашчиларнинг 85 нафа- рига ўз фаолиятларини кенгайтириш учун банклар-

дан имтиёзли кредитлар олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Тадбир якунида ша- хрисабзлик хунарманд аёллар намоиш этган

вакилларига кейинги ўринлар насиб этди. Тад- бир доирасида ўтказил- ган савдо ярмаркалари- да 29 миллион сўмлик маҳсулотлар сотилди.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОШҚИРМА ҚўМИТАСИ

ОЛИЙ ҚАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИ

КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ ХАМДА ВИДЕОПРОЕКТОРЛАР

ХАРИДИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Технифлар текши ва тақдорет қилмоғига ақролатилган-ақроқда-ёниқ, қонведларда ва устан қисмига «Бошқармоқ текшимаси қимда» вилдирокторлар қарқисқилиш бўйича та-навола» сўзлари ёзилган ва мураланган-қимда тақдоретилган шарт.

Технифларнинг текшиқ хамда тақдорет қилмоғига қонведларни устан қисмига мос равишда «Текшиқ қисми» ва «Тақдорет қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

Танлов қўлига тақдорет қилмоғига 2007 йил 16 август оқим 17:00 оқим қабул қилади.

Қўлиғича маълумотлар ва тақлиқ қўлиғича қилмоғига олиш учун Давлат божхона қўмитаси Олий қарбий божхона институтига: Тошкент шаҳри, Шайхонтоқур тумани, Қизилорбад 2-тоғ кўчаси, 118-ўй мақолига бўйича мурожаат қилиш мумкин. Телефон: (8-371) 227-46-56 (ижтимоий телефон: 42-11).

ЎЗБЕКНЕФТГАЗ- МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

ЎЗНЕФТГАЗКАЗИБЧИҚАРИШ- АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ШўРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

қуйидаги хом ашёлар сотиб олиш юзасидан № 09/11-сонли тендер савдосини эълон қилади:

Лот рақами	Хом ашёлар номи	Миқдори
Лот № 1	Хўмас алёнокс (эни — 1240, қалъанли — 80,8, оғирлиғи — 29,52 тонна)	352 808 м³
Лот № 2	Хўмас алёнокс (эни — 1520, қалъанли — 80,8, оғирлиғи — 6,452 тонна)	83 080 м³
Лот № 3	Адрозин алёнокс (эни — 1270, қалъанли — 8,5, оғирлиғи — 31,15 тонна)	325 808 м³
Лот № 4	Адрозин алёнокс (эни — 1550, қалъанли — 8,5, оғирлиғи — 5,615 тонна)	59 080 м³
Лот № 5	PIIDF алоқоний ласта, қалъанли — 0,2 мм, 0,3 мм, эни — 1240 мм	208 808 м³
Лот № 6	PIIDF алоқоний ласта, қалъанли — 0,2 мм, 0,3 мм, эни — 1240 мм	208 808 м³

Тендер шарт-шартлари ва шарт-шартлари билан тақлиқ ва маълумотлар олиш учун қуйидаги мақолига мурожаат қилиш мумкин:

Шўртан газ-кимё мажмуаси, Ўзбекистон Республикаси, 180300, Қашқадарё вилояти, Фўзор тумани, Шўртан қўрғони. Тел./факс: (+998 75) 780-37-74. Факс: (+998 75) 221-09-04, 221-08-46. Электрон почта: group_hn@sgcc.uz Веб-сайт: sgcc.uz

ACCENT



NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.

КАРГОЛИНГ — 500 Л

500 000 000

HYUNDAI Official Partner

www.hyundai.com.uz

Tel. (8-371) 250-11-11

Reklama va эълонлар

HP katta qilib Windows 7 Professional.

BIZNESNING xavfsizligi



Intel CORE i5

Faster. Smarter.

HP ProBook

HP Probook 4520s – to'liqsiz hayot, HP CarePack Services kengaytirilgan kafolati.

- 1 Intel Core i5-520M процессора
- Windows 7 ning 64
- 32000 CORE 2GB RAM 3 ta slot 8 GB gacha kengaytirish imkoniyati mavjud
- 1 to'liqsiz 3 yilga kafolat
- HP CarePack Services kafolati

2011 Preferred Partner

PKM Informatika 341 00 00

Mahsulot sertifikatlangan.



Биз ҳар бир куни тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилишга арзигулик юрда яшаймиз. Зеро, истиқлол деб аталмиш улуг неъмат туфайли ҳаётимизнинг барча жабҳаларида мислсиз ислохотлар рўй бермоқда. Бу ўзгариш ва янгилашнилар ҳар куни, ҳар соатда кўз ўнгимизда намойён бўлаётди.

Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, бугун баъзи ривожланган давлатларда ҳам юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Айрим мамлакатларнинг яқин келажакда бу борада жиддий муаммоларга дуч келиши мумкинлиги мутахассислар томонидан аниқ далилларга асосланиб айтилаётди. Бизда шундай муаммага дуч келмаслик учун истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб

институтимизда пахта толасидан ил олишига бўлган жараёнларни бажариладиган, қиймати 2 млн. АҚШ долларига тенг замонавий ўқув-ишлаб чиқариш лабораторияси ишга тушди.

Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ва умумтаъриқимизнинг муҳим таркибий вазифасига айланган мамлакатимизда таълимни ривожлантириш стратегияси институт жамоаси олдида улкан вазифаларни қўймоқда. Жаҳон андозалари даражасидаги юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш жамоанинг нафақат асосий вазифаси, балки бурчи ҳамдир. Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида "Шуни унутмаслигимиз керакки, келажакимиз пойдевори билим даражасида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг буғун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ", деб таъкидланган. Бинобарин, бу йилда бизнинг институтимиз профессор-ўқитувчилари ҳам самарали фаолият юритиб, ёшларга замон талабига мос таълим ва тарбия бериш орқали мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўймоқда. Чиндан ҳам, ёшлар етуқ кадрлар бўлиб етишсагина, Ватан тараққийти таъминланади.



ЮРТИМ, СЕНИ КУЙЛАЙМАН...

Болагимдан санъатга қизиқаман. Шу боис Таваккал Қодиров номидаги Фарғона санъат коллежига анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича ўқишга кирдим. Бу ерда миллий кўшиқчилик сирларини катта қизиқиш билан ўргандим. Ҳозир эса Ўзбекистон давлат консерваториясида коллежда олган билим ва тажрибамни янада мустаҳкамляпман.

Қ. ЖУМАНИЙЗОВ, Тошкент тўқимачилик ва енгил санъат институти ректори, техника фанлари доктори, профессор.

МАЛАКАЛИ ВА ТАШАББУСКОР

мутахассислар мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттиришда муҳим ўрин тутмоқда

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам азиз фарзандларимиз ҳамда биз, ота-оналарнинг яна бир миннатдорчилигимизга сабаб бўлди. Негаки, олий таълим тизимида узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган мутахассис сифатида биламанки, ёшлар келажакки, малакали мутахассислар тайёрлаш масаласида биз жуда ҳам кўп оламшумул ишларни амалга оширдик.

Чунки унда умуммиллий манфаатлар кўзда тутилган. Ушбу қарорда кўрсатилганидек, институтимизнинг 4 та ўқув биноси, 2 та талабхона тураржойи капитал таъмирланди. 9 та илмий-амалий лабораториялар замонавий қайта жиҳозланди. Бинобарин, бугун институтимизда Ватанимизнинг иқтисодий ва маънавий қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшадиган, Ўзбекистоннинг пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил, қоғоз ва матбаа sanoat корхоналари учун юқори малакали кадрлар 12 та таълим йўналиши ва 23 та магистратура мутахассислиги бўйича тайёрланмоқда. Сўнгги йилларда 3 та янги бакалавр таълим йўналиши ва 5 та магистратура мутахассислиги очилди. Институт

профессор-ўқитувчилари томонидан мустақиллик йилларида 96 та дарслик, 644 та ўқув ва услубий кўлланим чоп этилди. Фанлар бўйича ноёб бўлган 1340 та дарсликнинг "PDF" форматдаги электрон нусхалари яратилган. Ахборот-ресурс марказида электрон кутубхона ташкил этилган бўлиб, унга замонавий адабиётлар жойлаштирилган. Буларнинг барчаси ёшларимиз камолоти учун хизмат қилиши, шубҳасиз.

Президентимиз қароридан олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, модернизациялаш билан бир қаторда, таълим сифатини янги босқичга кўтариш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам алоҳида урғу берилган.

дастурий асосда, кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик туфайли институтимизнинг ўқув-илмий ва амалий асосини мустаҳкамлаш учун 7 млн. АҚШ долларига тенг инвестиция олиб келинди. Булар жумласига Европа Иттифоқи Комиссиясининг Тасис-Темпус дастуридаги 415 миң АҚШ доллари, Германиянинг "Хайдельберг" фирмаси билан ҳамкорликдаги матбаа-қўшма ўқув маркази, Япония ҳукумати 4 млн. АҚШ доллари тенг бегараз ёрдам гранти орқали келтирилган энг замонавий дастгоҳлар ва сертификатция асбоб-ускуналарини қиритиш мумкин.

2005 йилда Германиянинг "Трючлер" фирмаси ёрдами билан

Спорт • Sport • Спорт • Sport

Ёш шахматчилар кўриги

Пойтахтимизда ўн саккиз ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Иштирокчилар орасида халқаро тажрибага эга шахматчиларнинг кўпчилиги баҳсларнинг мурасасиз ўтишини таъминлади. Қизлар ўртасидаги беллашувларда ўн нафар шахматчи донна сурди. Яқинда сирдарёлик иқтидорли шахматчи Сарвиноз Қурбонбоева ғолибликни кўлга киритди. У мусобақани мағлубиятсиз якунлаб, тўққиз имкониятдан саккиз очко жамгарди ва ўн биринчи бор мамлакат чемпиони, деган шарафини номга сазовор бўлди. Ундан ўрним очко кам тўплаган Елена Вербова кумуш, беш ярим очко жамгарган Жаннат Собирова эса бронза медали билан тақдирланди.



Элшод Расулов швейцариялик Бабакар Камара, украиналик Виктор Неферов ва Дмитрий Цимбални мағлубиятга учратиб, кумуш медал билан тақдирланди. Шунингдек, икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев, ёш иқтидорли боксчи Шайхобиддин Зоиров ҳам финалгача бўлган беллашувларни ғалаба билан якунлаб, кумуш медал соҳиб бўлишти. Санжар Раҳмонов ва Фазлиддин Ғойибназаров эса бу сафар учинчи ўрин билан кифояланишти.

Украиналик Мариуполь шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишти.

БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Дунёнинг ўнга яқин мамлакатидан келган юз нафардан ортиқ спортчи қатнашган нуфузли мусобақада вакилларимиз учта кумуш ва иккита бронза медалини кўлга киритишти. Жумладан, 81 килограмм вазнли боксчи Раҳимов терма жамоаси сардори, ўн олтинчи Осиё ўйинлари ғолиби Элшод Расулов швейцариялик Бабакар Камара, украиналик Виктор Неферов ва Дмитрий Цимбални мағлубиятга учратиб, кумуш медал билан тақдирланди. Шунингдек, икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев, ёш иқтидорли боксчи Шайхобиддин Зоиров ҳам финалгача бўлган беллашувларни ғалаба билан якунлаб, кумуш медал соҳиб бўлишти. Санжар Раҳмонов ва Фазлиддин Ғойибназаров эса бу сафар учинчи ўрин билан кифояланишти.

У. ҲАКИМЖОНОВ.

«ҲАЙРАТИМИЗ СУРАТЛАРГА КЎЧДИ...»

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Георг БИТЦМАН (Германия): — Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Аммо Хива шаҳрини кўриб, очиги, хайратдан лол қолдим. Буни қаранг, бир шаҳарда икки қалъа — Ичанқалъа, Дишанқалъа! Улардаги асрий обидалар салобати, кўрки, чиройи хотирамизда бир умр муҳрланиб қолишига ишонман.

Кўхна шаҳарнинг ҳар қадамида тарих ва ана шу тарихни яратган буюк инсонларнинг улуг, бетакрор ишлари самараси мижасам. Ўзбек халқининг миллий қадриятлари акс этган совга-саломларимни ўз яқинларимга топширар эканман, олам-олам таассуротларини уларга гапириб берарман, албатта.

Эрминг КАГТЕ (Норвегия): — Ўзбекистон мустақиллигининг кўтүлг 20 йиллик байрами арафасида барча жойда олиб борилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлдим. Ораста

ва сўлим хиёбонлар, боғу гулзорлар кишига завқ бағишлайди. Одамларнинг юз-кўзларидаги кувонч, табассум кўнглига зиб бахш этади. Сузиш ҳавзаларида, ўйингоҳларида болажонларнинг кувноқ кўлиси жаранглаб турибди. Буларнинг барчаси мамлакатда қарор топган тинчлик ва оқсоқилларнинг нишона. Юртингизга байрамлар жуда ярашади.

Бозорларингиздаги тўқин-сочилликни кўриб, ҳавасим келди. Мазаси оғзингизда қоладиган мевалар, қовун-тарвузлар, бири-бирдан ширин ўзбек таомлари... Барчасини таърифлашга тил ожиз. Айниқса, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини томоша қилиб, лол қолдим. Хайратларини суратларга муҳрладим. Келажакда оилам, фарзандларим билан Ўзбекистонга келишни ният қилиб қўйдим.

У.А. МУХБИРИ ШАВКАТ ХУДОБЕРГАНОВ ёзиб олди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

таълим масканларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш борасидаги устувор вазифалар, интернет тармоғи билан боғлиқ

лари бунёд этилиб, ушбу ўқув даргоҳларини малакали ўқитувчи ва мураббийлар билан таъминлаш борасида хайрли ишлар амалга оширилаётди. Бугунги кунда, айниқса,

онгу шуурига салбий таъсир этувчи иллатларнинг ҳаётимизга кириб келиши хавфини кучайтиради.

— Маънавий таҳдидлар фақат бизнинг жамиятимизнинггина эмас, ўзгилгини англаган ҳар бир миллатни хавотирга солимоқда, — дейди Тошкент давлат маданият институтининг маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректори А. Маврулов. — Шу боис гоёга қарши гоё, фикрга қарши фикр билан курашмоқ лозим, деган пурмазано ақидага амал қилган ҳолда, ўзимизнинг бетакрор миллий қадриятларимиз, санъатимиз, кийиниш, муомала маданиятимизни шундай таъсирларга қарши қўйишимиз лозим.

Йиғилишда ўқувчилар ўртасида оммавий маданият элементларига кўр-кўрона тақлид қилишнинг олдини олиш, улар қалбидида маънавий-ахлоқий қадриятларга нисбатан юксак эҳтиром ҳамда садоқат туйғуларини шакллантириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Компьютер техникаларидан меъёридан ортиқча фойдаланишнинг зарари ҳақида ёшлар ўртасида мунтазам тушунириш ишлари олиб борилиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

З. ЖОНИБЕКОВ.

НАВҚИРОН АВЛОД МАЪНАВИЯТИГА ЭЪТИБОР

долзарб муаммолар, ёшлар онгига салбий таъсир этаётган "оммавий маданият" унсурлари ва бошқа турдаги ёт гоёларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбиясига, унинг порлоқ истиқболини таъминлашга юксак эътибор берилётганини алоҳида таъкидлашти. Хусусан, бугунги кунга келиб, нафақат шаҳар марказлари, балки энг чекка қишлоқлардаги таълим масканларининг ҳам моддий-техник базаси тубдан яхшиланди. Юртимизнинг барча ҳудудларида муҳташам кўриниш, қулай шарт-шароитга эга бўлган таълим маскан-

таълим тизимига замонавий технологияларни кенг татбиқ этиш, ушбу жараёнда интернет фаол усуллар ва интернет тармоғидан самарали фойдаланиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, айни пайтга келиб, юртимизда мавжуд 9779 та умумтаълим мактабининг 66,5 фоизи замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланди. 9403 та мактаб эса "ZiyoNET" порталига уланган. Қувонарлики, ёшларимиз имкониятлардан самарали фойдаланиб, илм-фан, санъат, спорт каби йўналишларда ҳавас қилса арзигулик ютуқларни кўлга киритмоқдалар. Аммо шуни ҳам борки, ҳозирги глобаллашув даврида ахборот манбалари шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бу эса, табиийки, ёш авлод

ОБ-ҲАВО (16 июль)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёнгарчилик кузатилмайди. Кечаси 16-21, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.
Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёнгарчилик бўлмайди. Харорат тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёнгарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёнгарчилик кузатилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик кузатилмайди. Тунда 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.
Тошкент шаҳри. Ёнгарчилик кузатилмайди. Харорат тунда 18-20, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.
Республикамизнинг тоғли туманлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Кечаси 11-16, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.
«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Reklama va эълонлар

Infin BANK

2011 йилнинг 28 июнида

«Moody's Investors Ltd.» халқаро рейтинг агентлиги

«Invest Finance Bank» хусусий очик акциядорлик тижорат банкининг рейтингини тасдиқлади.

Барча рейтинглар истиқболи «БАРҚАРОР»

UZTRANSNGAZ

«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Хурматли юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрга қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришигизни илтимос қиламиз.

Qishloq Qurilish Bank

Qishloq fuqarolari uchun namunaviy loyihalar asosida 15 yil muddatga ipoteka kreditlari!

Telefonlari (+998 71) 150-93-99, 150-93-98, www.qishloqqurilishbank.uz

Барча омонатлар Фуқароларнинг банкардаги омонатларини қоплатиш тўғрисида қалолатланган.

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси Қамчиқ қувурлар тизимини қуриш дирекцияси жамоаси директор вазифасини бажарувчи Ҳошим Қўчқоровга волидан муҳтарамаси ИНОБАТ яннинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 51824 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзинова. Навбатчи — М. Охунова. Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.35 Топширилди — 03.25 1 2 3 4 5